# Оқ чумчуқ

(Боши 1-бетда)

Оқ, қизил, зангори, сариқ, тарғил гуллар орасида биттаси амиркон ковушдек қопқора бўлиб очилди. Ҳиди ҳам бошқача. Айниқса бошига офтоб тушганда ажиб бир ҳид ҳовлини тутиб кетади. Қўшниларим бу ҳид қайдан келаяпти, деб ҳовлимизга бош суқадилар.

Уруғини чумчуқ чўқиб кетмасин, деб кечгача қўриқлайман.

Демак, бундан кўп йиллар олдин қаердадир шунақа гул бўлган. Ўзига мос иқлимни кутиб ётган. Шундай бир шароит бўлгану уйғониб кетган.

Урушдан олдин, "Огонёк" журналида негр бола туққан оқ танли бир ёш аёлнинг бола кўтариб турган суврати босилган эди.

Вашингтонда машҳур оқ танли "насли тоза" миллионер оиласида бунақа бола туғилиши кўп шов-шувларга сабаб бўлган эди. Аёлни бузуқликда айбладилар. Авлод шажарасининг сўнгги нуқтасига доғ туширган деб ундан юз ўгирдилар.

Эл олдида бош кўтаролмай қолган миллионер ота шажара китобини варақлай бошлайди. Бундан уч юз ўттиз бир йил аввал боболарининг қора танли бўлгани тўғрисидаги ёзувга кўзи тушди.

Қаранг, оқ чумчуқ, қора карнайгул, қора танли чақалоқ. Тасодифми, нима?

Шунда буюк Ғафур Ғуломнинг:

**Узилган бир киприк**
**абад йўқолмас,**
**Шунчалар мустаҳкам**
**хонайи хуршид.**

деган сатрлари қулоқларим остида жаранглаб кетади.

# Соқчи турна

***Жиззахга кирмай янги айланма йўлдан кетмоқчи эдим. Шамол орқадан эсаётгани учун машинанинг суви қайнаб кетди. Моторни совутиш учун капотни очиб қўйдим. Тепада шамол гувиллаб, хас-хашакларни шитирлатиб, учириб ўйнарди.***

Олти-етти метрча баландликда қимирламай ҳайкалдек қотиб турган соқчи турна орқасидан чиқиб қолибман. Гувиллаб эсаётган шамол унинг кокилларини силкитиб ўйнарди. Ҳатто ўзини ҳам учириб юборгудек бўлиб тебратарди. Орқасида турганимни турна сезмасди. Бир юмронқозиқ устимдан юриб, юзларимни муздек оёқлари билан босиб ўтди. Сесканиб кетдим. Аммо овоз чиқазмадим.

Пастда, шамол эсмаётган сокин яйловда ўттиз-қирқ турна доира ясаб, ўртада лекторларга ўхшаб у ёқдан-бу ёққа юраётган сардорларининг "гапларига" жимгина қулоқ солиб турардилар. Уларнинг доираси шу қадар аниқ эдики, ҳатто паргар билан ҳам бунчалик аниқ чизиб бўлмасди. Сардор уларга нималар деяётган экан. Йўлда қаерда қўниб ўтишларини айтяптими, билмадим. Сардор биз тушунмайдиган тилда узоқ "гапирди". Ким билади, панд-насиҳатлар қиляптимикин?

Заҳ ўтиб оёғим увиша бошлади. Ўрнимдан туриб, қаддамни ростладим. Турна буни сезиб қолди. Безовта қуре-қуре деб осмонга талпинди. Турналар тепасига келиб яна қуре-қурелаб икки-уч марта айланди. Сардор пинагина бузмай "гапи"ни тўхтатмади.

Охири гапи тугади шекилли, зарб билан ҳавога интилди. Тепадан туриб турналар тўдасига яна нималардир деди. Шундан кейингина доира бузилди. Турналарнинг ҳаммаси кўтарилиб, сардорни ўраб олишди.

Агар Сулаймон пайғамбардек уларнинг тилларига тушинсак, кўп сир-синоатларни билиб олардик. Асал ариларнинг доноликлари ўз "Малика"ларига содиқликлари, оиладаги тартиб-интизом одамлар учун ҳам бир ибрат бўлишини билиб олардик. Чумолилар-чи? Ишчи чумолилар, текинхўр чумолилар, озиқ-овқат ғамлайдиган омборчи чумолилар, жонини фидо қиладиган разведкачи чумолилар... Эҳ-ҳе, оёғимиз тагида ғимирлаб, тирикчилик қилаётган митти жониворлар олами тўғрисида нималар биламиз?

Тўзғиб кетган турналар ўз жойини аниқ биладиган солдатдек жуда тез сафга тизилиб, узоқ-узоқларга учиб кетдилар. Уларнинг қайчи шаклидаги сафлари аста-секин кўздан йўқолди. Охири кўм-кўк самога сингиб кетди.

# Элчи билан учрашув

***Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида Япония элчиси жаноб Кусимота Юичи билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда элчи жаноблари Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўз юритди.***

Бундан ташқари бугунги кунда жаҳондаги сиёсий вазиятлар, бутун инсониятни қийнаб турган муаммолар, хусусан, халқаро терроризм мавзусига тўхталар экан, Андижон воқеалари ҳақида жумладан шундай деди: "Мен май ойида юртимда эдим. Бу воқеани эшитиб ўзимни бироз йўқотиб қўйдим. Япониядаги барча оммавий ахборот воситалари бу тўғрида ахборот беришди. Халқимиз бу воқеаларни эшитиб қайғурди. Биз албатта Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига ишонамиз. Буни аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилишидан ҳам билса бўлади. Барча масъулият ёшлар зиммасида турибди. Улар, албатта, ўз Ватани учун ҳамма нарсага тайёрдирлар.

**ХАБАР**

Яна шуни айтмоқчиманки, Интернет саҳифаларида Ўзбекистон тўғрисида янада кўпроқ ахборотлар берилса яхши бўларди. Масалан, туризм соҳасини оладиган бўлсак, ҳозирда Японияда бир йилда 16 миллион киши саёҳатга чиқади. Лекин булар орасида Ўзбекистонга келадиганлар сони озчиликни ташкил этади. Агар япон тилида Интернетда бундай маълумотлар бўлса ҳар қандай киши ҳам гўзал Самарқанд, Бухорони кўришга ошиқиши турган гап. Мамлакат хусусида жаҳонга қанча маълумотлар бериб борилса, шунча фойда келади менимча. Чунки шу орқали аввало туризмни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш мумкин.

Биз Ўзбекистон билан стратегик ҳамкормиз. Шундай экан, алоқаларимизни янада яқинлаштириш ҳаракатидамиз".

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**


**Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!**

Тошкент Ўрмон хўжалиги ширкат ва фермер хўжаликларининг ер майдонларида шамол ҳамда тупроқ эррозиясига қарши ихота дарахтларини келишилган нархларда экиб беради. Ҳақ тўлаш икки томон учун мақбул шаклда.

Тел.: 192-97-62; 192-99-06





## Дзюдочиларимиз халқаро турнирда

***Ёш дзюдочилардан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоаси Қозоғистонга жўнаб кетди.***

Улар бугун бошланадиган халқаро турнирда Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва МДҲнинг бошқа давлатларидан ташриф буюрадиган курашчиларга қарши гиламга тушишади.

Жамоамиз мураббийи Роман Шокиров бу сафар Мехти Алиев (46 килограмм), Қўлдош Юлдошев (50 килограмм), Сарвар Ёқубов, Геворг Григорян (иккаласи ҳам 60 килограмм), Телман Пирназаров (66 килограмм), Евгений Рябинин (+81 килограмм) каби ёш полвонларга кўпроқ ишонч билдирмоқда.

Ғолиб ва совриндорлар 1 ноябрда аниқланади.

## "Андижон" ва "Хоразм – 2003" олий лигада

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лига жамоалари ўртасида қизиқарли курашлар давом этмоқда.***

Кескин курашлар остида ўтган учрашувлар ниҳоят кейинги йили олий лигада тўп сурувчи икки жамоа номини маълум қилди.

35-тур натижаларидан сўнг "Андижон" ва "Хоразм – 2003" клублари кучлилар қаторидан жой оладиган бўлди. Шунингдек, бу йил "NBU-Осиё", "Кимёгар", "Цементчи", "Вобкент" жамоалари ҳам чемпионатни кўтаринки руҳда ўтказишди.

35-тур натижалари билан танишинг: "Шаҳрихон" – "Хоразм – 2003" 1:3, "Андижон" – "Ҳазорасп" 5:0, "NBU-Осиё" – "Вобкент" 4:0, "Шайхонтоҳур XXI" – "Зарафшон" 0:5, "Ғаллакор" – "Қўқон-1912" 4:3, "Сирдарё" – "Цементчи" 1:2, "Шўрчи-Лочин" – "Сурхон – 2004" 2:0.

Турнир жадвалида "Андижон" ва "Хоразм – 2003" жамоалари 77 тадан очко жамғариб, биринчи ва иккинчи поғонани эгаллаб туришибди. Кейинги ўринни "NBU-Осиё" – 63, "Кимёгар" – 61, "Вобкент" – 58, "Цементчи" – 58 очкодан жамғарган ҳолда банд этишган.

## Тақвим эълон қилинди

***Халқаро автоспорт федерацияси (FIA) 2006 йил мавсумидаги "Формула-1" пойгалари тақвимини эълон қилди.***

Янги чемпионат ҳар доимгидек Австралиянинг Мельбурн гран-присидан бошланмайди.

Бу йил "тезлик қироллари" ўз кучларини биринчи бўлиб Осиёда, яъни Баҳрайннинг Сакхир трассаларида синашдан бошлайди. Пойгага 12 март куни старт берилади. Чемпионатнинг иккинчи босқичи эса 19 мартда Малайзиянинг Сепанг трассаларида ўтади.

Кейинги пойгалар эса қуйидаги мамлакатларда ўтади:

2 апрел – Австралия Гран-приси (Мельбурн)

23 апрел – Сан-Марина Гран-приси (Имола)



7 май – Европа Гран-приси (Нюрбургринг)

14 май – Испания Гран-приси (Барселона)

28 май – Монако Гран-приси (Монте-Карло)

11 июн – Буюк Британия Гран-приси (Сильверстоун)

25 июн – Канада Гран-приси (Монреал)

2 июл – АҚШ Гран-приси (Индианаполис)

16 июл – Франция Гран-приси (Моньи-Кур)

30 июл – Германия Гран-приси (Хоккенхайм)

6 август – Венгрия Гран-приси (Хунгароринг)

27 август – Туркия Гран-приси (Истанбул)

10 сентябр – Италия Гран-приси (Монца)

17 сентябр – Бельгия Гран-приси (Спа)

1 октябр – Япония Гран-приси (Сузуки)

8 октябр – Хитой Гран-приси (Шанхай)

22 октябр – Бразилия Гран-приси (Интерлагос)

## Мушукдан қўрқадиган чемпион

***Буюк британиялик боксчи, IBF йўналиши биринчи ярим ўрта вазнда жаҳон чемпиони Рикки Хаттон мушукдан ўлгудек қўрқар экан.***

Агар ушбу жонивор унинг олдидан чиқиб қолса ҳеч иккиланмай йўналишини ўзгартиради, деб хабар беради "The Sun" газетаси.

27 ёшли боксчининг сўзларига қараганда, ёшлигида уни бир мушук юзларини тирнаб, қонга бўяган. Ўшандан буён у мушукларни кўрса ўзини четга олиб қочади. "Агар мен



кетаётган манзилимга бир-икки қадам қолганида бирорта мушукка дуч келсам, ҳеч иккиланмай йўналишимни ўзгартираман", деб айтиб ўтган боксчи газетага берган интервьюсида.

Мухлисларга эса эслатиб ўтмоқчимиз, Рикки Хаттон кейинги жангини 26 ноябр куни Шеффилдда ўтказади. Унинг рақиби WBA версияси чемпиони Карлос Мауссо бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


***Иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган ва янгидан ташкил этилаётган барча қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!***




**Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" узоғингизни яқин қилиш ва қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳамда туман ҳудудларида жойлашган 183 та филиаллари ҳамда 469 та мини-банклари, шунга қўшимча янгидан ташкил этилаётган 146 та мини-банклари орқали Сизларга қуйидаги тезкор, манфаатли банк хизматларини таклиф этади!**

- **корхона ва хўжалигингизнинг ҳисоб варағини очади;**
- **юридик ва жисмоний шахслар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов операцияларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида амалга оширади;**
- **филиал орқали мини-банкда хизмат кўрсатилаётган мижозларга ўрнатилган тартибда кредитлар ажратади ва лизинг хизматларини кўрсатади;**
- **барча турдаги коммунал ва бошқа тўловаларни қабул қилади ҳамда мижозларнинг тўлов топшириқларини амалга оширади;**
- **омонатларга бўш пул маблағларингизни жалб қилади ҳамда депозит ҳисоб рақамингиздаги маблағингизни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, биринчи талабдаёқ беради;**
- **инвестиция маблағлари эгалари ёки тақсимловчилари буюртмасига биноан инновация лойиҳаларини филиал орқали молиялаштиради;**
- **юридик ва консалтинг хизматлар кўрсатади;**
- **Банк Уставида кўрсатилган бошқа операцияларни ўрнатилган тартибда амалга оширади;**
- **Мижозларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини сир сақлайди.**

**"Пахта Банк" фермерларнинг асл ҳамкори!**

**Ҳисоб рақамингизни "Пахта Банк"да очинг, кафолатли хизматларидан фойдаланинг ва имкониятларингизни янада кенгайтиринг!**



**"Пахта Банк" – муваффақиятингиз калитидир!**



## Тошкент Давлат аграр университети

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2006 йил учун аспирантурага**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги аспирантурага:

1. 03.00.27 - Тупроқшунослик 1 та
2. 06.01.04 – Агрокимё 1та
3. 06.01.05 - Селекция ва уруғчилик 2 та
4. 06.01.06 – Сабзавотчилик 1та
5. 06.01.09 – Ўсимликшунослик 2 та
6. 06.01.11 - Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш 2 та
7. 06.02.04 - Хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси 1та
8. 08.00.04 - Микроиқтисодиёт 1та
9. 08.00.06- Эконометрика ва статистика 1та

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширадилар: Университет ректори номига ариза; ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол; иш жойидан тавсифнома; бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун тавсиянома; матбуотда эълон қилинган (белгиланган шакл бўйича) илмий ишлари рўйхати, эълон қилинмаган мақолалар юзасидан танлаган мутахассисликлар бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар; Аспирантурага бевосита олий ўқув юрти (факультети) илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма; Олий ўқув юртини тугатганлик тўғрисидаги диплом нусхаси; номзодлик имтиҳонларини топширганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома; Меҳнат дафтарчасидан кўчирма; Паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: мутахассислик, фалсафа, Ўзбекистон тарихи, чет тили (инглиз ёки немис).

**Манзил: 700140, Тошкент – 140, Университет кўчаси 2,ТошДАУ бош бино, телефонлар: 63 76 34; 63 96 29.**


Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 1993 йили Юсупходжаева Муҳаббат Убаевна номига берилган № 004274 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Носир Юсуповга волидаи муҳтарамаси

**Ҳафиза ая ЮСУПОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институт лойиҳа раҳбари, иқтисод фанлари доктори Расулмат Ҳусановга опаси

**Маҳбуба ая ҲУСАНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ , Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими –** 136-58-83, 136-56-25, **Котибият -** 133-95-17, **Реклама ва эълонлар -** 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, **Факс -** 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; **Андижон** – 8-374-22-234-08; **Бухоро** – 8-365-22-644-61; **Жиззах** – 8-372-22-606-34; **Навоий** – 8-436-22-60-525; **Наманган** - 8 – 369-41-234-23; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-2-33-70-57; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61;**Сирдарё** – 8-367-37-23-813; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** Д.УЛУҒМУРОДОВ **Саҳифаловчилар:** Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ **Мусаҳҳиҳ:** М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9380

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6